



«ТАСДИҚЛАНДИ»  
 Бухоро шахар тиббиёт  
 бирлашмасига карашли Бухоро  
 шахар тугрук комплекси  
 Бозоров А.Г.  
 “26” 2022 йил

Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугрук комплекси учун  
 мебел махсулотларини руйхатга асосан етказиб, урнатиб бериш ишларини амалга ошириш

## **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ**

### **ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИКДИ**

Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига  
 карашли Бухоро шахар тугрук  
 комплекси

## МУНДАРИЖА

### **НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**

(Танлашиштирокчиларига тақдим этилмайди)

### **ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

#### **УМУМИЙ ҚИСМ**

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ  
МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ  
СХЕМАСИ

#### **ТЕХНИК ҚИСМ**

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

#### **ТИЖОРАТ ҚИСМ**

БҮЮРТМАЧИНинг бошланғич нархи

Хизмат курсатишни якунлаш муддати

Молиялаштириш манбаси

Молиялаштириш шартлари

Шартнома валютаси

## БАРЧА ХИЗМАТ КУРСАТУЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

### Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугрук комплекси Энг яхши таклифни ТАНЛАШ учун эълон

Объект номи: Бухоро Давлат Университети учун  
мебел маҳсулотларини рўйхатга асосан етказиб, урнатиб бериш ишларини амалга ошириш  
112 200 000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 5 календарь кун.

Буюртмачи: **Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугрук комплекси**  
Тел (93) 458 39 00

- ◆ Танлаш иштирокчилари қўйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
  - ◆ Маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлари танлашда катнашганда, танлаш таклифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари хисобга олинади:
  - ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш таклифлари қонун хужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод килинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиги суммаси қўшимча равишда хисобга олинади.
- Танлаш иштирокчилари танлашда катнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин
- ◆
  - ◆ Тасдиқланган танлаш хужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича etender.uzex.uz маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
  - ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлиб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

## ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугрук комплекси учун мебел маҳсулотларини руйхатга асосан етказиб, урнатиб бериш ишларини амалга ошириш

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуидаги объект бўйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

**Бажариладиган иш номи:** Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугрук комплекси учун

мебел маҳсулотларини руйхатга асосан етказиб, урнатиб бериш ишларини амалга ошириш

Хизмат курсатиш бошлангич нархи – 112 200 000 сўм. (ҚҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 5 календарь кун.

**Буюртмачи:** **Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугрук комплекси**

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишилари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуидаги талаблар қўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизmlар, кичик механизация, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги;

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш обьектига ўхшаш обьектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳакидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият конун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибида асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлинини, қўшилиш), тутатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олингандар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир бажариладиган иш бўйича ишлаб чиқариш воситаларини, ишлатиладиган машина ва механизmlар рўйхати тўлиқ илова қилиниши керак.

Ҳар бир бажариладиган иш бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳоланганда нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чикиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг таъминлаш ҳужжатлари, хусусан, таъминлашнинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳаклидир.

Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси объектнинг таъминлаш ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Танлаш иштирокчилари танлашда катнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари хамда бошқа шартларга нисбатан таъминлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан etender.uzex.uz маҳсус ахборот портали оркали куриб чиқилади ўтади.

### **Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугруқ комплекси**

## ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлаш эълон килади.

1.2. Танлашнинг тури – очик танлаш, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш ҳужжатларининг иловада кўрсатилган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Мебел маҳсулотларини етказиб, урнатиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи шахарсозлик нормалари ва қоидаларига тўла мос келишини таъминлаш максадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, мебел материаллари, ёнилги, жихозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлаш иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

## II. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги №ЎРҚ 684-сонли конунига мувофик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидагиги ПҚ-3953-сонли карорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат кисмларидан иборат.

2.2. Умумий кисм танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўрикномани, шакл ва иловалар кўшилган холда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлаш буюртмасини мебелларни таъминлаш кафолати.

2-шакл. Танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар.

3-шакл. Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлаш иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ходимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлари.

5-шакл. Банк кафиллиги.

6-шакл. Танлашдаги обьектга ўхшаш обьектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси.

7-шакл. Танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

8-шакл. Танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошка (пудрат шартномалари) обьектлари.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

1-и洛ва. Объектнинг жамланма жадвали, обьектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, обьект хизмат курсатишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

2.3. Техник кисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-и洛ва асосида)

жихозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

**Изоҳ:** Мебел таъминлашнинг хусусиятига қараб техникикай қисм таркибига ТАЖга биноан бошка ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Тижорат кисми:

Мебел жихозларини бошлангич нархи;

Етказиш муддати;

молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

## III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур мебел билан таъминлаш ишлари бўйича танлашда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиши мурожаат маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлаш иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлаш иштирокчиси танлашда иштирок этиш учун танлаш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўрикноманинг VII боби талабларига биноан танлаш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлик барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлаш ташкилотчиси ва танлаш комиссияси танлаш натижаларидан катъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлаш иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) танлаш ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берishi керак.

## IV. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи танлашда иштироқ этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин танлаш ҳужжатларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида карор кабул килишга ҳакли. Иш ҳажмларни ўзгартаришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вактда, танлаш ташкилотчиси киритилган ўзгартаришлар ҳакида танлашда иштирок этиши истагини билдирган танлаш иштирокчиларига билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида танлаш иштирокчиси ёзма равишда танлаш ташкилотчисига танлаш ҳужжатлари бўйича тушунтириш ва аниқлик киритиш максадида мурожаат килишга ҳакли.

4.3. Танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчисининг сўрови бўйича танлаш ҳужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлик сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашда иштирок этиши истагини билдирган танлаш иштирокчиларига жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Танлаш ҳужжатларига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш улар буюртмачи, танлаш ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки танлаш иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилганлигидан катъий назар “Танлаш иштирокчиларига хабарнома” кўринишда расмийлаштирилади ва танлаш ҳужжатларига кўшимча бўлиб колади. Шу кўринишда расмийлаштирилмаган ўзгартиришлар ва кўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари ноконуний киритган ўзгартириш ва кўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Танлаш иштирокчилари хабарномани олгач унинг илова килинган нусхасига имзо чекиб, дарҳол уни ташкилотчига кайтаришлари керак.

4.6. Танлаш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда килинган йўрикномалар эътиroz учун асос бўла олмайди.

4.7. Танлаш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вакт тақдим этиши максадида ташкилотчи танлаш комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўрикноманинг XIII бобига мувофик таклифлар тақдим этиши муддатини узайтириши мумкин. Бунда танлаш иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада таклифлар тақдим этиши муддатини янги охирги санаси белгиланади.

## V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлаш иштирокчилари танлаш ва таъминлаш ишлари ҳужжатларини ўрганиб чиқишлиари керак, танлаш иштирокчилари танишиб чиқиши максадида танлаш предметининг таъминлаш ҳужжатлари, хусусан, таъминлашнинг график кисмини буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳакида мурожаат килишга ҳаклидилар.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси таъминлаш ҳужжатларини танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Танлаш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиха-смета ҳужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг кийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошка масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг юкоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошка шартларга нисбатан, таъминлаш тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

## VI. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танлашга оид барча хабарномалар ва ҳужжатлар, танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлаш иштирокчиси томонидан тайёрланган танлаш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва ҳужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифини мазкур танлаш ҳужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва танлаш ҳужжатларининг бошка кисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлаш иштирокчиси танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлаш иштирокчиси ўз танлаш таклифининг таркибида факат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

## VII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Танлаш таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташкари, иккита - биринчи ва иккинчи йиғма жилдан иборат. Биринчи йиғма жилдага кирувчи ҳужжатларда танлаш таклифи кийматига оид ҳеч кандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар факат иккинчи йиғма жилд ҳужжатларida бўлиши керак.

### 7.2. Биринчи йиғма жилд таркибидаги ҳужжатлар:

7.2.1. ТАЖда кўрсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг маҳсус ҳисоб ракамига ўтказиши топширикномасининг нусхасини тақдим килиш йўли билан танлашда иштирок этиши буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати обьект бошланғич нархининг 0,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал килиш муддати ТАЖда кўрсатилган,

7.2.2. Танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлаш иштирокчиси томонидан мустакил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини таасиковчи ҳужжатлар нусхасини тақдим этишга мажбур.

7.2.3. Танлаш иштирокчисиининг охирги уч йилдаги молиявий ахволи (3-шакл). Шаклга Танлаш иштирокчиси аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисботлар (баланс ҳисботлар)нинг нусхаларини илова қилишга мажбур. Агар ТАЖда бошкacha кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 20 %гача микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат килувчи банк томонидан тасдикланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади).

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг охирги ҳисбот даври асосида молиявий кўрсаткичлари тўлдирилиб тегишли солиқ органлари томонидан тасдикланади.

7.2.5. Танлаш предметига ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (5-шакл). Ушбу жадвалда танлаш иштирокчиси танлаш предметига ўхшаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат кабул комиссияларининг далолатномалари (агар танлаш иштирокчиси ёрдамчи пурратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова килинади.

7.2.6. Танлаш иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (6-шакл). Агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда танлаш иштирокчиси таъминлаш ишларининг бажариш даврида ҳакиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова килиши керак.

7.2.8. Талаборнинг танлаш ўтказилаётган даврдаги жорий пуррат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (7-шакл).

7.2.9. Қурилиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (8-шакл).

7.2.7. Танлаш иштирокчисига берилган, хужжатларга имзо чекиши ва танлашда катнашиш ҳукуқини берувчи ишончнома .Танлаш иштирокчисининг биринчи шахси (рахбари) ҳозир бўлганда ушбу шакл тўлдирилмайди.

7.2.8. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларининг нусхалари.

7.2.9. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпурратчининг лицензияси ва бошка хужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.10. Юкорида сўралган шакллар ва хужжатларга танлаш иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиковчи хужжатларни илова килиши керак.

### 7.3. 2-йиғма жилд тарқибидаги хужжатлар:

7.3.1. Хизмат курсатиш ишларин бажаришга буюртма (1-илова).

7.3.2. Объектнинг хизмат курсатиш ишларини бажариш графиги (2-илова).

7.3.3. Объект хизмат курсатиш молиялаштириш графиги (3-илова).

7.3.4. Объект хизмат курсатишнинг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган:

- жамланма жадвал;

- объектда бажариладиган иш ҳажмлари жадвали;

- объектда ишлатиладиган қурилиш материаллари (материаллар таснифи ва микдори билан) рўйхатлари жадвали (4-илова).

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини танлаш иштирокчиси ўз таклифида ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари нархини ресурсларни акс эттирмасдан тақдим киласди.

Қурилиш материаллари бўйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга каранг.

7.4. Буюртмачи танлашда катнашиш буюртмаси таъминотини куйидаги ҳолатларда кайтаради:

7.4.1. Танлаш галиби - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошка иштирокчиларга - танлаш галиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал килиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагунга кадар таклифларини кайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини кайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташкари, кайтариш асоси вужудга келган вактдан эътиборан 10 (үн) кун муддат мобайнида амалга оширилади.

7.6. Танлашда иштирок этицга буюртма таъминоти куйидаги ҳолатларда кайтарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагандан кейин, унга ўзгартириш киритган, тендер тақлифининг амал килиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.6.2. Танлаш галиби унинг таклифи амал килиш даврида ўз таклиfinи кайtaриб олганда ёки танлаш хужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош торганда.

7.7. Дастлабки малака танлаши оркали танлаш ўтказилганда биринчи йиғма жилд хужжатлари малакавий хужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд хужжатлари эса танлаш таклифи деб ҳисобланади.

## VIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг киймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар танлаш иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аник тўлдирилган бўлиши лозим. Танлаш иштирокчиси

таклифининг умумий нархини аниқлашда оралик суммалар жамланади. Танлаш иштирокчилар пудрат ишлари танлашда иштирок этаётганда объектнинг таклиф этилаётган кийматини, курилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри киймати сифатида бошка харажатлар ва қушимча киймат солиги (ККС)ни хисобга олган ҳолда белгилашлари керак. Курилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри кийматига доимий коэффицент сифатида кўлланиладиган бошка харажатлар кийматини танлаш иштирокчиси мустакил равишда белгилайди ва ишлар кийматига киритади. Бунда, танлаш иштирокчиси ташкилотлар тақлиф этаётган нархни хисоблашда 1 ва 4-иловалар талабларига амал килиши шарт.

8.2. Танлаш иштирокчиси объект курилиши (реконструкция килиш, капитал таъминлаш)нинг шартномавий нархини белгилашда қўлланилган курилиш материалларининг нархлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда курилиш материаллари турини танлаш хужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс кайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустакил танлаш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аник объект асосий курилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект кийматининг 100 % ини (лойихада кўзда тутилган) ташкил этувчи курилиш материалларини хисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Танлаш иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳоланган рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарх ва ракам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх кабул килинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг киймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх кабул килинади.

8.6. Танлашда белгиланган курилишнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, конунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, курилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини иккичи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда конунчиликда белгиланган тартибида олиб борилади.

## **IX. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ**

9.1. Танлаш таклифининг амал килиш даври танлаш тақлифлари элон якунланганидан кейин 10 кунгача куриб чиқилади

## **X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ**

10.1. Танлаш иштирокчиси тақлифни e tender.uzex.uz портали оркали амалга оширилади

## **XVII. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

17.1. Молиявий тақлифларни очиш ва баҳолаш танлаш комиссияси томонидан танлаш тақлифларининг биринчи йиғма жилдларини тасдиқлаш ва уларни кўриб чиқиш натижалари эълон килинганидан сўнг амалга оширилади.

17.2. Иккинчи йиғма жилдларни очилишига малака танлашидан муваффакиятли ўтган танлаш иштирокчиларига рухсат этилади.

17.3. Иккинчи йиғма жилдларни очилиши мазкур танлаш иштирокчилари йўрикномасининг XIV боби талабларига асосан амалга оширилади.

17.4. Танлаш комиссияси тақлифларни бутлигини текширади, 2-йиғма жилд хужжатларини тўғри тўлдирилганлиги, имзолангани ва умумий ҳолати юзасидан ўрганиади.

17.5. Агар танлаш комиссияси томонидан 2-йиғма жилддаги тақлиф хужжатларининг бирортасини танлаш хужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аникланган тақдирда танлаш иштирокчisinинг тақлифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон килинмасдан танлашдан четлатилади.

17.6. Танлаш комиссияси тақлифлари 17.5-банднинг талабларига зид бўлмаган танлаш иштирокчиларининг 1-иловада кўрсатиб ўтилган нархи ва ишларни якунлаш муддатларини ўқиб эшилтиради.

17.7. Сўнгра тақлифлар арифметик текширудан ўтказилиб, тақлиф таркибида келтирилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари билан танлаш хужжатлари таркибида келтирилган иш ҳажмларини солишириш амалга оширилади ва танлаш тақлифларига молиявий баҳо борилади.

17.8. Арифметик хатолар мазкур танлаш иштирокчилари йўрикномасининг 8.4 ва 8.5-бандларига биноан тузатилади.

17.9. Зарур бўлганда, танлаш комиссияси 2-йиғма жилд хужжатларида келтирилган маълумотларни, хусусан хисоб-китобларнинг иктисодий асосланганлиги, иш ҳажмлари танлаш хужжатларига жавоб бериши ва бошка ҳолларни батафсил ўрганиш учун комиссия аъзолари ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гурухи тузиш ҳукукига эга.

17.10. Агар ТАЖда бошкacha кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий тақлифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

17.11. Агар ТАЖда бошкacha кўрсатилмаган бўлса, танлаш иштирокчиларининг тақлифлари кўйида кўрсатилган танлаш тақлифларининг молиявий баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади:

## XVIII. ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

18.1. Танлаш ғолибини эълон қилиш е tender.uzex.uz портали оркали амалга оширилади

## XIX. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ, ОБЪЕКТ СУФУРТАСИ

19.1. Агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳакидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (үн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пудрат шартномасини имзолashi керак, агарда белгиланган муддат бошка сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Пудрат шартномаси, қурилиш пудрат ташкилотларининг мулкчилик шаклидан катъий назар кўшилган киймат солигини ҳисобга олган ҳолда, танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик бошка томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошка шартларни таклиф этишга ҳакли эмас (ТАЖга каранг).

19.3. Агар танлаш ғолиби мазкур танлаш ҳужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлаш комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлаш иштирокчисини танлаш ғолиби деб топиши ёки тақорорий танлаш ўтказишни тайинлаши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолиби розилигисиз, мазкур танлаш ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иктисадий судга мурожаат қилишга ҳакли.

19.5. Танлаш ғолиби қурилиш (реконструкция қилиш, капитал таъминлаш) суфуртасини конунчиликда белгиланган тартиба таъминлайди.

## XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига учтадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чикиш натижасида танлаш комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки факат битта таклиф танлаш ҳужжатлари талабларига мувофик келса:
  - танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар танлаш предметининг бошлангич кийматидан ошик бўлса;
  - танлаш комиссияси томонидан асосланган бошка ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлаш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (танлаш комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, танлаш иштирокчилар)ни мулкий ёки бошка жавобгарликка тортимишига олиб келмайди.

21.3. Агар танлаш бўлиб ўтмаган деб топилса, тақорорий танлаш ўтказилади. Бунда танлаш ҳужжатлари талабларини кайта кўришга рухсат этилади.

## XXII. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш хужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари маҳсус коидаларини ўз ичига олади.

| T/р | Бўлим номи   | Бўлимга изохлар  |
|-----|--|--|
| 1.  | Буюртмачи:   | Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугрук комплекси  |
| 2.  | Объект номи:   | Бухоро шахар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шахар тугрук комплекси  |
| 3.  | Танлаш тартиб раками:  | № 2  |
| 4.  | Танлаш тури:   | Очиқ танлаш.   |
| 5.  | Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:   | <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин,   |
| 6.  | Танлаши ўтказиш манзили, жойи ва муддати:  | Бухоро шахар, Мохи Хоса кургони, Шифокор кучаси 2уй.   |
| 7.  | Декларация шакли:  | 1-шакл ёки Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати объект бошлангич нархининг 0,5% ташкил килади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатини олган кунидан бошлаб 1 ой амал килиш муддати   |
| 8.  | Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга руҳсат этилади:  | <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталида эълон килинади.   |
| 9.  | Танлаша иштирок этишга кўйидаги танлаш иштирокчиларига руҳсат этилади:                                       | Етарили машина-механизмлар билан таъминланган, шу соҳада камида 5 йил иш ажрибасига эга булган ва тажрибали мебел-муҳандисларига, мебел жиҳозларини жойлаштирган объектларига бой тажрибага эга бўлган, молиявий баркарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, кўшилиш), тугатиш ёки банкrotlik арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пурдат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш оркали) иштирок этишларига руҳсат этилмайди. |
| 10. | Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):  |  |
| 11. |  |  |
| 12. | Танлаш таклифларини тақдим килиш муддатлари:   | Офёрталарни тақдим этишининг охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига кадар.  |
| 13. | Танлаш хужжатининг тили:   | Ўзбек/рус тиллари  |
| 14. | Танлаш таклифининг амал килиш муддати:   | Танлаш таклифлари очилгандан кейин 20 кундан кам бўлмаган муддат.  |
| 15. | Танлаш предметининг обьектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари, асбоб-ускуналари: | 6-шаклига асосан “Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати”.   |
| 16. | Танлаша иштирок этиш учун талаб килинадиган айланма маблаглари миқдори:                                      | Талаб килинадиган айланма маблаглари миқдори 20 фоиз миқдорида.  |
| 20. | Танлаш таклифларини баҳолаш муддати:   | Таклифлар бериш тугаганидан кейин 10 кун ичida   |
| 21. | Танлаш иштироқчилариңинг техник ва молиявий қисмларини очилишига руҳсат этиладиган танлаш иштироқчилари:     | Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар.  |
| 22. | Буюртмачининг обьект бўйича бошлангич нархи:   | KKC билан <b>112 200 000 сум</b> .   |
| 23. | Буюртмачи томонидан белгиланган етказиб урнатиб бериш муддати  | 5 календарь кун.   |
| 24. | Молиялаштириш манбаси:   |  |
| 25. | Таъминлашни молиялаштириш тартиби:   | Таъминлаш ишларининг жорий йилдаги кийматининг 30 % аванс (бўнак)<br>Охирги тўлов - 70% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугаганидан сўнг.   |
| 26. | Шартнома тили:   | Ўзбек тили   |
| 27. | Шартнома валютаси:   | Ўзбек сўмда  |



«ТАСДИҚЛАНДИ»  
 Бухоро шаҳар тиббиёт  
 бирлашмасига карашли Бухоро  
 шаҳар тугрук комплекси  
 Бозоров А.Г.  
 “26” маюл 2022 йил

Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига карашли Бухоро шаҳар тугрук комплекси  
 учун  
 мебел махсулотларини руйхатга асосан етказиб, урнатиб бериш ишларини амалга  
 ошириш

| № | Маъдумотлар руйхати           | Асосий маълумотлар ва талаблар   |
|---|-------------------------------|--|
| 1 | Баэжариладиган иш             | Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига карашли<br>Бухоро шаҳар тугрук комплекси учун<br>мебел махсулотларини руйхатга асосан<br>етказиб, урнатиб бериш ишларини амалга<br>ошириш  |
| 2 | Буюртмачи                     | Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига карашли<br>Бухоро шаҳар тугрук комплекси   |
| 3 | Алохида талаблар              | Махсулот мавжудлиги<br>Иш тажрибаси<br>Коррупцияга карши талаблар<br>Иштирок этувчининг транспорт воситалари<br>Иш стажи<br>Махсулот сертификати<br>Моддий таъминот<br>Махсулотнинг техник параметрлари<br>Ишларни бажариш муддати<br>Етказиб бериш муддати<br>Кафолат муддати (Махсулотга бериладиган<br>кафолат муддати) |
|   | Бажарилган ишлар хисоб китоби | Бажарилган ишлар счет фактура асосида<br>етказилади  |
|   | Молиялаштириш манбай          | Бюджет маблаглари хисобидан  |
|   | Буюртмачи суммаси             | 112 200 000 сум  |
|   | Конкурс тили                  | Узбек ва рус тиллари   |
|   | Шартнома валютаси             | Миллий валюта  |
|   | Танлов таклифини кабул килиш  | Таклифлар эълон килингандан пайтдан бошлаб   |